БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
1 ноябрь
Пайшанба
№ 209 (13.645).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

31 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов депутатлар ҳузурида нутқ сўзлади.

У кейинги вақтда жумҳуриятда рус тилида сўзлашувчи аҳолига нисбатан гўё марказий матбуот орқали, бошқа йўллар билан салбий муносабат кучаймоқда, деган фикр тарқатилаётганини айтди. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга тўғри келмайди ва миллатлараро муносабатларда ўринсиз кескинликни вужудга келтиришгагина кўмаклашмоқда. Жумҳуриятнинг бирорта ҳам фуқароси қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳеч қачон камситилмайди. Биз дўстлигимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз, бир-биримизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз керак.

Бозор муносабатларига ўтиш туфайли жумҳурият олдида жиддий вазифалар ва синовлар турибди. Шундай шароитда Ўзбекистоннинг бутун кўп миллатли халқининг жипслашувигина олға томон силжишга, одамлар фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари А. П. Хлебушкина (56-Дўстлик сайлов округи), Ш. К. Хайруллаев (169-Бухоро сайлов округи), Х. Ш. Шарофиддинов (357-Сариосиё сайлов округи), А. Исаев (201-Томди сайлов округи), В. Р. Ниёзматов (73-Нариманов сайлов округи), А. Қўчқоров (251-Ҳаққулобод сайлов округи), К. В. Гребешков (207-Ленин сайлов округи), В. Н. Маҳмудов (364-Арнасой сайлов округи), Т. Р. Каримова (130-Олтинкўл сайлов округи), В. Г. Гришчук (116-Олмазор сайлов округи), Муҳаммад Саид Ҳожи Аҳмаджон Раҳматулло ўғли (460-Юқорибоғ сайлов округи), О. К.—С. Адаманов (325-Жом сайлов округи), А. Н. Возненко (400-Қурилиш сайлов округи), В. М. Карабельников (24-Завод сайлов округи), А. П. Солуянов (398-Фрунзе сайлов округи), Д. Ёқубов (249-Чортоқ сайлов округи), П. И. Саидазимов (243-Марказий сайлов округи) Ўзбекистон халқлари ўртасидаги анъанавий байналмилал муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигини қўллаб-қувватлаб гапирдилар.

Шундан кейин депутатлар Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга ўтдилар.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Ҳалилов милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари Т .Б. Ражапов (129-Кумақай сайлов округи), Ш. Рўзимуродов (240-Қишлик сайлов округи), Б. Р. Парпиев (126-Панфилов сайлов округи), Ш. Нарзиев (171-Ғиждувон сайлов округи), Х. Ш. Шарофиддинов (357-Сариосиё сайлов округи), В. Р. Ниёзматов (73-Нариманов сайлов округи), Р. Х. Абдуллаев (409-Марғилон сайлов округи), Н. А. Исмоилов (222-Қайнарбулоқ сайлов округи), Ўзбекистон ССЖ прокурори Б. М. Мустафоев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Депутатлар Қонун лойиҳасини асос учун қабул қилдилар ва уни узил-кесил ишлаб чиқиш учун Олий Кенгаш комитетига топширдилар.

Сўнгра „Ўзбекистон ССЖнинг ҳарбий комиссариати тўғрисидаги Низом лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқди.

Низом лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари У. З. Олимов (371-Дўстлик сайлов округи), Р. Р. Раҳмонов (214-Тўқбой сайлов округи), М. П. Холбоев (343-Термиз сайлов округи), М. М. Мироқов (227-Маймanoқ сайлов округи), Муҳаммад Солиҳ (Мадаминов Салой) (35-Профессорлар сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар муҳокама чоғида тушган мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖнинг ҳарбий комиссариати тўғрисидаги Низомни қабул қилдилар.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитети тақдим этган «Савдода суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунини иккинчи муҳокамада қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг рус тилидаги «Народное слово» газетаси таъсис этилди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири этиб Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг раиси, ССЖИ халқ депутати А. Ғ. Мухторов тасдиқланди.

1991 йилнинг биринчи январидан жумҳурият Олий Кенгаши ва ҳукуматининг тожик тилида чиқадиган «Ҳақиқати Ўзбекистон», қрим татар тилидаги «Ленин байрағъи», қозоқ тилидаги «Дўстлик туи» газеталарини нашр этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССЖ конституциявий назорат комитети, Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон ССЖнинг бир қанча вилоят ва Тошкент шаҳар судлари таркибига ўзгаришлар киритилди. Ўзбекистон ССЖ давлат нарх комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов марказий сайлов комитетининг раиси этиб сайланди.

Олий Кенгашнинг мудофаа масалалари комиссияси Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетига айлантирилди. Депутат В. Р. Ниёзматов комитет раиси этиб сайланди.

Олий Кенгашнинг қарори билан ички ишлар иттифоқ—жумҳурият вазирлиги жумҳурият вазирлигига айлантирилди.

Б. Ф. Сатин ва Д. А. Усатов жумҳуриятдан ташқарига жўнаб кетганликлари ва депутатлик вазифаларини бажаролмасликлари муносабати билан уларнинг шахсий аризаларига кўра улар Ўзбекистон ССЖ халқ депутати ваколатларини соқит қилишлари тўғрисида қарор қабул этилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг собиқ ўринбосари А. Р. Хўжаевни ва Ўзбекистон ССЖнинг собиқ ижтимоий таъминот вазири Ҳ. Ё. Ёқубжоновани эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш тўғрисида илгари қабул қилинган Фармонлар таърифини ўзгартирди.

Сессия иши давом эттирилади.







СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов жумҳурият ойнаи жаҳони мухбирлари билан суҳбатда. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг III мажлиси ана шундай ҳаяжонли ўтмоқда.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ ва ЎзТАГ суратлари.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарори

УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: жумҳурият ижтимоий соҳаси ва иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ўтмишда йиғилиб қолган кўпгина муаммолар, халқ хўжалигини ривожлантиришда йўл қўйилган хатолар кескинлашганлигининг оқибатидир.

Ўтмишда ўтказиб келинган Иттифоқ вазирликлари ва идораларининг зўравонлик сиёсати, жумҳуриятга хос миллий-маданий, тарихий-нуфуз хусусиятлари ва бошқа хусусиятларни писанд қилмайдиган ана шу сиёсат ишлаб чиқарувчи кучларни нотекис жойлаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг Ўзбекистон халқ хўжалиги ва аҳолиси эҳтиёжларига мос келмайдиган бузилган тузилишига, табиий муҳитнинг нормал қайта тикланиши ҳаддан ташқари бузилиб кетишига олиб келдики, бу нарса экология вазиятини бениҳоя кескинлаштириб юборди. Аҳоли турмушининг барча асосий кўрсаткичлари жиҳатидан жумҳурият умумиттифоқ даражасидан орқада турибди.

Ижтимоий соҳадаги баъзи ижобий силжишларига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари умуман Иттифоққа нисбатан бирмунча юқори эканлигига қарамай, жумҳуриятда ижтимоий-иқтисодий кескинлик ҳамон давом этмоқда, баъзи салбий ҳодисалар кучаймоқда. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларнинг суръатлари ва миқёсларига тўсқинлик қилаётган янги омиллар ҳамда тамойиллар вужудга келмоқда. Пул муомоля системаси издан чиққанлиги, хўжалик алоқалари бузилганлиги, меҳнат ва шартнома интизоми ёмонлашганлиги, истеъмол бозори номутаносиб ҳолга келиб қолганлиги, моллар ва хизматлар тобора етишмай қолаётганлиги аҳолининг турмуш шароитларига салбий таъсир қилиб, кейинги вақтларда жумҳурият тараққиётида бошланган ижобий ўзгаришларни заифлаштириб қўймоқда.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали вужудга келган мураккаб аҳволдан амалий равишда қутилиш, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари маъқуллансин.

2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жумҳурият аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳукуматнинг биринчи галдаги тадбирларига, шунингдек, мазкур масала юзасидан ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов таклиф этган чора-тадбирларга розилик берилсин.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши:

Барча поғоналардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан биргаликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг белгиланган йўналишлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминласин, бу йўналишларни амалга ошириш пайтида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари томонидан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессиясида айтилган мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олсин;

Истеъмол бозорини ва пул муомаласини тезроқ барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг, унинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймасликнинг, меҳнат имкониятларидан янада тўла-тўкис ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратишнинг ишончли давлат воситасини шакллантириш соҳасидаги ишни жуда қисқа муддатларда биринчи галдаги вазифа сифатида пухта уюштирсин;

Ўз фаолиятини Ўзбекистон ССЖ иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, бошқа жумҳуриятлар билан, ССЖ Иттифоқи билан ва ташқи иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил этиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратсин;

Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, давлатнинг мол-мулкини меҳнаткашлар иштирокида ва уларнинг манфаатларини кўзлаб давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин;

Интизомни, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни бутун чоралар билан мустаҳкамлашни таъминлашга алоҳида эътибор берсин.

4. Халқ депутатлари Кенгашлари асосий йўналишларни амалга ошириш тадбирлари мажмуини бажариб, қуйидаги вазифаларни биринчи галда ҳал қилишни кўзда тутсинлар:

Тегишли ҳудудларнинг иқтисодий ҳолати соғломлаштирилиб, халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўналишларига аниқлик киритилсин;

Аҳолини, айниқса, унинг кам даромадли табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ўтиш даври салбий оқибатларини имкони борича юмшата оладиган системаси амалга оширилсин, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилсин, меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан таъминлансин:

Минтақаларнинг истеъмол бозори халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва пулли хизмат кўрсатиш ҳажмларини ҳамда турларини кўпайтириш орқали озиқ-овқат ва саноат моллари билан мўл-кўл таъминлансин;

Қишлоқ ва қўрғон Кенгашларининг, маҳалла қўмиталарининг мавқеи оширилсин, аҳолининг ижодий ва ишлаб чиқариш фаоллигини кучайтиришга, ҳунармандчиликни ва бадиий касб-корларни, миллий маданият ҳамда санъатни тиклаш ва ривожлантиришга, халқ байрамларини ҳашарлар ва бошқа маъракаларни ўтказишга оид муҳим муаммоларни ҳал этиш уларнинг зиммасига тушади;

Ҳудудни бошқаришнинг иқтисодий усуллари кенг жорий этилсин, кордонлик ривожлантирилсин, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳудуд захираларидан хўжаликда яхшироқ фойдаланилсин, корхона ва ташкилотларда хўжалик юритишнинг янги илғор шаклларидан фаол фойдаланиш учун қулай шароит яратилсин;

Биргаликда сармоя солиш, фан-техника, ижтимоий-маданий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа фаолият соҳасида иттифоқдош жумҳуриятлар ва минтақалар билан иқтисодий алоқалар кучайтирилсин.

5. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари қандай амалга оширилаётганидан Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

6. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қўмиталари билан биргаликда Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиб, тақдим этсинлар.

7. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши жумҳуриятнинг барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, Ўзбекистон ССЖ ҳар бир фуқаросининг муносиб яшашини таъминлаш мақсадида халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга чақиради.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 29 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИДА

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши «Етим болалар ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларга мўлжалланган болалар уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ўтказиш тўғрисида» фармойиш қабул қилди. Фармойишда ушбу муассасаларнинг ҳар бир тарбияланувчиси учун совғалар сотиб олишга маблағ ажратиш, шунингдек, совет идоралари, турли вазирликлар ҳамда маҳкамаларнинг Улуғ Октябрь Социалистик Инқилобининг 73 йиллиги арафасида болалар билан учрашувлар ўтказишда иштирок этиши кўзда тутилган.

МУРУВВАТ

«Болалар — келажагимиз» деган шиорларга кўникиб кетганмиз. Хўш, келажагимиз бўлган болаларга қандай ғамхўрликлар қилинаяпти? Яқинда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Болалар жамғармаси Ўзбекистон бўлимининг раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жумҳуриятимиздаги болалар уйларида тарбияланган талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш кўриб чиқилди. Раёсат қарори билан болалар уйида тарбияланган ўқиш ва жамоат ишларида фаол 7 талабага 40 сўмдан қўшимча ёрдам пули ажратилди. Улар орасида Нукус давлат дорилфунунининг физика куллиёти талабалари Гулсара ва Қувват Изенбетовлар, 2-Тошкент давлат табобат олий билимгоҳи 6-курс толиби Боқижон Санаев, Низомий номидаги Тошкент давлат муаллимлик олий билимгоҳи талабаси Дилбар Санаевалар бор.

Б. ЗОКИРОВА,
В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Болалар жамғармаси Ўзбекистон бўлими референти.

ЁШ ВАТАНПАРВАРЛАРГА

МУРОЖААТНОМА

Сиёсий гуруҳлар ва айрим ахборот воситалари ватанпарварлик туб орзуларини, Ватан ҳимоячиларининг жасоратларини, маънавий тикланиш жараёнларини обрўсизлантириш юзасидан бошлаб юборган кампания ўнглаб бўлмас оқибатларга — Совет давлатининг инқирозига олиб келиши хавфи бор. Ватанимизнинг асосий туб орзулари ва қадриятлари инкор этилмоқда. В. И. Ленин ҳайкаллари, Ватанимиз ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар ваҳшийларча вайрон қилинмоқда. Улуғ Ватан уруши аскарларининг қабрлари таҳқирланмоқда. Улуғ Октябрнинг 73 йиллигини нишонлашга йўл қўймасликка уринилмоқда.

Улуғ Октябрь Социалистик Инқилобининг 73 йиллиги яқинлашаётгани муносабати билан биз ёш армиячилар штабларига, барча ёш ватанпарварларга мурожаат қилиб, уларни давлат байрамимизни амалий ишлар билан нишонлашга — ўз микроноҳияларида, қўрғонларида меҳнатда ва жангда халқнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилганлар билан учрашишга, уларни байрам билан табриклашга ва баҳоли қудрат ёрдам беришга; ҳайкаллар ва ёдгорлик белгилари атрофини тартибга солишга, юқори синф ўқувчилари, ҳунар-техника ва ўрта махсус билим юртларининг талабалари ҳарбий хизматчилар, заҳирадаги жангчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари билан биргаликда 7-8 ноябрь кунлари инқилоб қаҳрамонлари ва ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар ва ҳайкаллар ёнида хотира постлари ташкил этишга; кузги таътил вақтида жонажон ўлка, ватандошларимиз жасорати билан боғлиқ ёдгорлик жойларига сафарлар уюштиришга; Ватанимиз тарихининг энг яхши, билимдони номи учун фотосуратлар, қўшиқлар, расмлар, кашта бўйича мавзули конкурслар ўтказишга даъват этамиз.

Ёш армиячилар Бутуниттифоқ ҳаракатининг қўмондони ССЖИ фазогир-учувчиси икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Г. БЕРЕГОВОЙ.

Ёш армиячилар Бутуниттифоқ ҳаракати бош штабининг бошлиғи
Л. ПЕСТЕРЕВ.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

БИЗНИ КИМ ЭСЛАЙДИ?

КИРИШ СЎЗИ

Болалигимизда Москвага жуда боргимиз келарди. Қизил майдон бўйлаб сайр қилган, Мовзалей дарвозаси олдида соқчилар алмашинувини кўрган, Кремль соатлари жарангини яқиндан туриб эшитган тенгдошларимиз ҳикояларини ҳавас билан эшитардик.

Сўнгра — биз учун ҳам Москва жонли воқеликка айлангач, у маданий кўргазмаларининг беҳад кўплиги ва сиёсий ҳаётдаги жўшқинлиги билан ҳайратга солди бизни. Ҳозир ҳам шундай. Аммо эндиликда дўконларнинг бўшаб қолган пештахталари-ю, «фақат ташриф қоғози билан сотилади», «таклиф бўйича киритилади» каби ёзувлар тўсатдан кўзга яққол ташланадиган бўлиб қолди.

Бизни эса ҳеч ким таклиф этмади. Бошқа шаҳарликлар учун пойтахт меҳмоннавозлик қилмай қўйди. Москваликларнинг ўзлари ҳам бозор иқтисодиёти бўсағасида янада бадқовоқ ва ғазабноқ кўринадилар. Пушкин майдонидаги осойишта парламент мунозаралари бот-бот даҳанаки жангга, ур-йиқитга айланиб кетаяпти.

Бундай шароитда Москвага ишлаш учун келган ўзбекистонлик йигитлар ўзларини қандай ҳис этяптилар? Уларни қабул қилишаётганда, сизлар бизга жуда кераксизлар, деб ишонтиришганди. Ахир улар ишлаётган корхона минг-минглаб автоҳаваскорлар орзу қиладиган маҳсулот — янги «Москвич» ишлаб чиқаради. Чиройли машиналар кўзни қувонтиради. Уларнинг мақтови келтириладиган реклама беташвиш енгил ҳаёт тўғрисидаги қўшиқ остида бериладн. Бироқ конвейерда, қолиплаш, пресслаш участкаларида меҳнат қилаётган ёшларга бу қўшиқлар эшитилмайди.

Улар тез-тез жонажон ўзбек оҳангларини эслашади ва нима учун Москвага масрур умидлар, яхши кайфиятлар билан йўл олганларини тушунишолмайдилар. Энди эса, булар ҳеч қачон бўлмагандек.

— Ҳамюртларингиз билан учрашиб турасизларми? — деб сўраймиз, қизиқиб ёшлардан.

— Жуда унчалик эмас, — жавоб қилишди улар, — корхонага келганлари ҳам қандай бўлмасин машина ундиришни ўйлайди. Биз билан ишлари йўқ.

2-бетга қаранг!

Жумҳурият кашшофларининг XV слёти ҳақида ўйлар

Кашшофларнинг жумҳурият XV слёти муаммолар ва ташаббуслар кўпчиган, ярощсиз «янгилик» ва керакли «эскилик» қолдиқлари тўқнашган бир паллада бўлиб ўтди. Бу слётда биринчи бор қабул қилинаётган жумҳурият кашшофлар ташкилоти (ЖКТ) Устави ҳамда ташкилотнинг «янги» фаолият дастурида ҳам яққол сезилади.



Шу пайтгача ташкилотнинг ўз Низоми бор эди. Энди Уставга соҳиб бўлади. Бу яхши, албатта. Лойиҳани тайёрлаганлар имкон қадар Устав лойиҳасида жумҳурият кашшофлар ташкилотлари ҳаракати, ташкилот аъзолари фаолиятида ўзига хос қиёфа, иш юритиш шакли бўлиши лозимлигини ҳисобга олишган. Мисол учун, «Ўзбекистон ЖКТ ўз байроғига эга, Ўзбекистон кашшофлари ЎзССЖ давлат байроғи рамзига мос бўлган ўз галстугига эга».

Ёки «Ўзбекистон ЖКТ миллати, динга муносабати қандайлигидан қатъи назар, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи болалар, ўсмирлар ва катталарни ўзида бирлаштирган ихтиёрий иттифоқдир», дейилади лойиҳада.

Бироқ кашшофларнинг бўлғуси қонуний ҳужжатининг аксарият қисми слётга йиғилганларнинг зарбасига тўғри-тўғри мулоҳазаларимизни улар номидан бичиб тўқиймиз.

Слёт кунлари ҳам асосан катталар ишладилар. Муҳокамага қўйилган ЖКТ янги иш фаолияти дастури ҳақида: (Узоқ муҳокамалардан кейин Дастур ташкилотнинг «Асосий иш йўналишлари» деб қайта номланди): дастурда кашшофлар ташкилоти аъзолари икки йўналиш бўйича ишлаши айтилади. Табиатни ўрганиш ҳамда меҳр-шафқат клублари, штаблари тузиб, ёлғизқарияларга, ногиронларга ёрдам бериш ишлари.

Дастурнинг бу йўлланмаси кашшофлар учун жуда фойдали. Аммо бу ишлар болалар учун янгилик эмас. Темурчилар, меҳр-шафқат ҳамшираларининг фаолияти ҳақида биз кўпдан буён биламиз. Дастурда эса бу ишлар қаторида (аслида инқилобдан олдин бўлган) уларнинг тарбиясига фойдаси тегадиган бир қанча янгича иш йўналишлари ҳам тақдим этилса дуруст бўлар эди. Масалан, болалар, ўсмирлар ўртасида борган сари жиноятчилик ўсиб бормоқда. Бунинг олдини олиш мумкинми? Бу ҳақда бош қотириш, йўл ўргатиш эса кашшофлар ташкилоти вазифасига киради.

Мустақиллик сари йўл

учради: фикрлар бўрони остида қолиб кетди. Бунинг сабабини улар билдирган мулоҳазалардан англаб олиш қийин эмас.

Абдунаби ОРИПОВ, Чиноз ноҳияси кашшофлар ва ўқувчилар уйи директори:

— Устав лойиҳаси яқинда бўлиб ўтган X Бутуниттифоқ слётида қабул қилинган кашшофлар ташкилотлари иттифоқи (болалар ташкилотлари федерацияси) Уставидан айнан кўчирилган. Буни ташкилий қўмита ҳам тан олди. Нега шундай бўлди? Агарда Ўз ЖКТ ҳужжати КТИ Уставидан мустақил турадиган Устав билан белгиланмас экан, унинг кимга кераги бор?



Бу эса жумҳурият ЖКТ кенгаши ҳали ҳам марказ қарорлари асосида ўз тадбирларини тузишдан, ундан тўғрими-нотўғрими, эртами-кечми андоза олишдан қутулолмаётганлигини кўрсатади.

Фитрат ПРАТОВ, Низомий номидаги Тошкент муаллимлар олийгоҳи толиби, В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар ва ўқувчилар саройи «Ўртоқ» етакчилар уюшмасининг аъзоси:

— Устав лойиҳаси слёт очилишига етти кун қолганда эълон қилинди. Кўпчилик у билан танишишга ҳам улгурмади. Ҳолбуки, бу ерга делегатлар дружина ва отрядлардаги муҳокамалари асосида ўзларининг тугал фикрларини айтишлари учун келишлари керак эди. Ахир ҳужжат ким учун қабул қилиняпти?

Афсуски, бу гапларда ҳақиқат мужассам, слётнинг чинакам манзараси яққол кўринади. Очиғи, бизда ҳали ҳам болаларни ортимиздан ўринсиз, ҳатто фойдасиз етаклаш ҳукмрон. Кўпинча уларни эркин фикрлашга йўл қўймаймиз, имкон бермаймиз. Болалар ишининг натижаси сўралганда эса икки оёғимизни бир этикка тиқиб, ўз гапларимизни, но-





Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди. Слётдан катта делегатлар — кашшоф ходимлари, кашшоф етакчилари кўп нарса кутишган эди. Шулардан бири маош масаласи.

Мактабда кашшоф етакчисининг иш куни ўқитувчиларникидек дарс соатлари билан белгиланмаган. Эртадан кечгача ишлайди. 30-40 нафар бола учун эмас, камида 200-250 нафар кашшофнинг фаолияти учун у масъул. Елади-югуради. Аммо у ўқитувчига қараганда, бир неча марта кам маош олади. Бунинг устига фаолиятига ҳам эътибор кам. Меҳнатига паст назар билан қарашади.

Етакчининг бу муаммоларини ҳал қилувчи йўқ, ҳокимлар эса битта эмас. Ноҳия халқ таълими бўлимидан маош олгани учун мариф ходимлари, мактаб маъмурияти хўжайинлик қилади. Етакчининг фаолиятига дахлсиз бўлган истаган ишни буюраверишади. Бунинг устига ноҳия комсомол қўмитасидагилар ҳам терғаб туришади.


Кашшофларнинг жумҳурият XV слёти якунланди. Унда ўртага ташланган фикр ва мулоҳазалар, талаб-таклифлардан келиб чиқиб, у жумҳурият кашшофлар ташкилотининг мустақилликка интилиш анжумани бўлди, дейиш мумкин.

Ташкилот мустақил бўлиши учун ўз жамғармаси, етарли маблағига эга бўлиши керак-да. Ҳозирча эса унинг чўнтаги бўш, ҳаракати афтода ҳол. Лекин Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси ва жумҳурият Халқ таълими вазирлиги ёрдами, қўллаб-қувватлаши қийин бўлади. Шундай қилиш керакки, ташкилотнинг кучи, қудрати бўлган болалар эртага бу юртнинг қудрати ва овозига айлансин.

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: жумҳурият кашшофларининг XV слётидан лавҳалар.

Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ.





Бизни ўйлантираётган муаммолар

БИЗНИ КИМ ЭСЛАЙДИ?

(Бошида 1-бетда).

Бу саволни Ленин комсомоли номли автомобиль заводи — АЗЛКда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёш ишчилар беришди.

Олдиндан айтиб қўяйлик: бу йигитлар пойтахтдаги корхонага ё комсомол йўлланмаси, ёҳуд ташкилий қабул орқали келишган. Аммо бугун улардан кимлар учундир иш атрофдагиларнинг лоқайд, дағал муносабати туфайли меҳнат мажбуриятига айланиб қолмоқда. Ётоқхонада эшитганимиз гап-сўзлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Уйга ҳаммаси жойида, деб хат ёзамиз. Аслида бу ерда қандай яшаётганимизни тан олиш қанақадир ноқулай...

— Вилоятдан акам кўргани келувди, уни ётоқхонага қўйишмади. Комендантдан махсус рухсатнома керак, дейишди.

— Касал бўлиб поликлиникага мурожаат қилдим. У ерда қўл силтаб, гаплашишни ҳам хоҳлашмади. Дангасалик қилаётган, касаллик варақасини олиш учун келган эмишман.

— Сиртдан қараганда, биз юксак маданиятли корхонада меҳнат қиламиз. Бироқ сен бу ерда ташкилий қабул орқали ишлаётган бўлсанг, бировлардан ёрдам ҳам, ғамхўрлик ҳам кутмай қўяқол.

— Мен билан бирга Қашқадарё вилоятидан яна уч киши келганди. Бу ердаги шароитга чидай олмай, кетворишди.

— Эҳтимол кимлардир бу ерга пул топиш учун ёки яхши ҳаётни кўзлаб келгандир. Мен эса Москвага бирорта касбни эгаллаш учун келганман, аммо икки йилдирки, ёрдамчи ишчи кучи сифатида фойдаланишади...

Узундан-узун бу шикоят ва таъна-дашномларни яна давом эттириш мумкин. Ваҳоланки, мулоқотимиз бошланган дастлабки кезларда ўзбекистонлик йигитлар ҳеч нарсадан нолимаганликларини қайд этиш лозим. Тўғри, саволга кўзларини четга олиб, елка қисишди. Нолишдан нима фойда, дегандек қилишди. Кимда қийинчилик бўлмайди?

Қаватларга кўтарилганимиздан сўнг масала ойдинлашди. Улар кўрсатмаса ҳам энди ҳаммаси равшан эди. Худди турмадагидек темир панжаралар билан тўсилган, тақа-тақ... қулфлолиқ Ленин хоналарини кўриб, ҳайрон қолдик. Бўлмаса, дам олиш куни эди. Йигитлар телевизор кўрсалар, нарда ўйнасалар ёки вақтли нашрларни ўқисалар бўлмайдими, бу ерда — дам олиш хонасида. Йўқ, дам олиш масалалари мутлақо комендант ихтиёрига берилган бўлиб, у бу хонани кўнгил раъйига қараб, масалан, тарвуз ёки қовун совға қилинган онларда очиши мумкин экан. Бордию, сени комендант хуш кўрмаса, ҳатто сигарет учун бериладиган талонни ҳам ололмайсан. Ташкилий қабул бўйича Хоразмдан келган Абдуҳамид Юсупов худди шу хусусда маъмурлар билан сан-манга бориб қолди. Ёқасидан олиб, улоқтириб юборай дейишди. Ўртоқлари жунбушга келишгандан кейингина, тамаки ва қанд-шакарга талон тарқатишга ўтишди...

Ташкилий қабул бўйича заводга келганларни идеаллаштирмоқчи эмасмиз. Майли, улар намунали хулқ-атвори билан бошқалардан ажралиб турадиган фариштадек оппоқ ҳам бўлмасинлар. Аммо ким бўлганларида ҳам, шартнома тузаётган пайтда ваъда берганлари меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларининг лоақал бир қисмини яратиб қўйишлари шарт эди-ку. Аксинча, ҳатто чойшабни ҳам жанжаллашиб оладиган ва нонушта дастурхонида нимаси борлиги билан ҳеч ким қизиқмайдиган кишилардан нимани ҳам талаб қилиш мумкин.

Худди шу савол билан Юнус Ғафforовга мурожаат этдик. Тўрт ойдирки, у Москвада яшайди. 120 сўм маош олади. Ўзбекистонда бир сўмга тўйиш мумкин, дейди у. Бу ерда эса, ўн сўм ҳам етмайди. Беихтиёр парҳезга ўтиб оласан, киши. Бир кило гўшт бозорда йигирма-ўттиз сўм. Қашқадарёлик қолипловчи Фозил Худойбердиев ҳам ойига юз сўм атрофида олади. Ишга оч қорин билан борган пайтлар ҳам бўлган.

Бўёқларни қуюқлаштириб юборганликда айбламасликлари учун бошқачароқ мисолларни келтириш ҳам мумкин. Масалан, Бухородан келган Ҳамид Мухинов чиройли жинси куртка-шим кийиб олибди. Чайқовда унга 800 сўм беришади. Ойига уч юз, баъзан ундан ҳам кўп туширади. Жумҳуриятимиздан борган, анчайин Ёш йигит учун уйига, онасини кўриб келишга отланиш ҳам бир азоб. Қани, қўлингдан келса, тайёрага билет ол-чи! Қариндош-уруғларни кўришга бориш, ишлаб чиқаришда «отгул» деб аталувчи қисқа муддатли рухсатномалар билан боғлиқ масалаларда ҳам қанчадан-қанча тугунлар мавжуд. Биринчи тугун — бу ишлаб чиқариш режаси. Бироқ зарбдор меҳнат, қандайдир алоҳида вазият, руҳий ҳолат кабиларни эътиборга олиш, наҳотки, мумкин эмас?

Ва ниҳоят, бу ишчиларнинг ҳуқуқлари нималардан иборат? Улар бу ҳақда деярли маълумотга эга эмаслар. Шу ўринда нафақат юридик маслаҳат, балки ҳуқуқий кўмак ҳам ортиқчалик қилмас эди.



таъминланган, турмушидан мамнун бўлган йигитларни ҳам учратдик. Аммо улар бу ерда бир неча йилдан бери яшашади. Шу кунга етгунча қанча азоб чекишгани уларнинг ўзигагина аён.

Дарвоқе, ёқимсиз хотиралар тез унутилади. Беихтиёр «Москва кўз ёшларига ишонмайди» деган нақл эсга тушади. Москва — ўзига хос аёвсиз шаҳар. У қишлоқдан келган ҳар қандай йигитни йиғлатиши, ўз кучини пойтахтда синовдан ўтказишга аҳд қилган кишиларни афсус-надоматлар чекишга мажбур этиши мумкин. Аммо наҳотки, озгина ғамхўрлик ва эътибор қилиш мумкин эмас?

Ишчилар кунлардан бир куни Наврўз байрамини нишонлаш учун уларни Ўзбекистон ваколатхонасига таклиф этилганликларини ўкиниб эслашди. Йўл ҳаракатида юзага келган тиқин оқибатида йигитлар 15 дақиқа кечикишибди. Бу вақт ваколатхонада бошқа меҳмонларни қабул қилишмоқда экан, уларни йўлатишмабди ҳам.

Ваколатхонада бўлган чоғимизда, ўзбек ишчилари қаерда яшашини билмоқчи эдик, жўяли жавоб эшитмадик. Бу масала билан шуғулланувчи масъул ходим юмуш билан кетганлигини, бошқаси касал эканлигини, қолганлари эса бундан бехабарлигини айтиб, ўзларидан соқит қилишди. Она Москва бўйлаб юриб, кўча-кўйдан сўраб-суриштириб топишга тўғри келди, ётоқхонани.

Ваколатхонадаги ўртоқлар, манзилгоҳни ёзиб олинг: Шоссейная кўчаси, 20-уй. Шу ерда сизларнинг истиқомат жойингизга қараганда асло қиёслаб бўлмайдиган даражада ёмон аҳволда бўлган ётоқхонада жумҳуриятингиздан келган 400дан зиёд ишчи яшайди.

Ушбу манзилгоҳни комсомол ходимлари ва Маданият вазирлиги вакиллари ҳам эслаб қолсалар зарар қилмасди. Москвалик ўзбекистонликлар оталиқ концертлари ёки лоақал, юртдошлар билан шунчаки учрашувга зориқиб яшамоқдалар. Андижон вилояти комсомол қўмитаси биринчи котиби Зафар Саидхўжаев бирров меҳмон бўлиб борганда, уларнинг қанчалик қувонганларини ҳис қилиш учун, буни кўриш лозим эди. Уларга кўп нарса керак эмас, борйўғи озгина инсоний ҳамдардлик, кўндаланг муаммоларда эътибор бўлса, кифоя.

Ўзбекистонликлар турмушининг яна бир ёқимсиз жиҳати хусусида гапирмай илож йўқ. Нима учун улар бунчалик уйларига ошиқишади? Албатта, бу жонажон ўлка соғинчи билан боғлиқ. Бироқ, фақат шунинг ўзигина эмас. Йигитлар киногa ҳам бемалол боришолмайди, дарровда маҳаллий безорилар тихирлик қилишади. Арзимаган баҳона билан жанжал чиқаришади. Ҳозирги шароитда бундай зиддиятлар миллатлараро муносабатлар билан қоришиб кетади. Ёшгина ўзбек йигит бу ҳақда шундай дейди: «Москвага келаётиб, пойтахтда меҳмоннавозлик қуршовида қоламан, деб ўйловдим, бу ерда эса бизга худди бегонага қарагандек қарашади...»

Учрашув ва суҳбатлар чоғида биз ҳар қайси миллатда ҳам яхши ва ёмон одамлар бўлишини, ҳаммани бир қарич билан ўлчаб бўлмаслигини айтиб, улар онгида қотиб қолган рўё тасаввурларни қувишга имкони борича ҳаракат қилдик. Аммо биздан бўлак яна ким улар билан ушбу мавзуда суҳбатлашди? Энг муҳими эса, улар ўз жумҳуриятларида ортиқча эмасликларини бу ёшларга амалда тушунтирган киши борми?

Ким ёмон бўлса ва таниш-билиши бўлмаса, уни сургунга жўнатгандек Москвага ишга юборишади, ким яхшироқ бўлса, Тошкентдан иш беришади, деган фикрларни ҳам эшитишга тўғри келди, ҳатто. Наҳотки, москвалик ўзбекистонликлар онгида иккинчи-учинчи тоифа одам руҳи ўрнашиб қолаверса?

Биз ҳеч қачон бу билан келишолмаймиз. Чамаси, шундай ҳаракат қилиш кераккки, токи Ўзбекистондан борган йигитлар Молдова ва Украинадан келган ҳамкасбларидан ёмон яшамасинлар. Айтишларича, уларнинг ётоқхоналари ҳам ҳар жиҳатдан яхши жиҳозланган экан.

Юртдошларимиз ҳақидаги ғамхўрликни аста-аста, масалан, ўша ётоқхонада Ўзбекистон кунларини ўтказишга кўмаклашишдан бошлаш ҳам мумкин. Уларнинг илтимоси шундай. Хайрлашаётиб, ўпкалашди: сизларгача ҳам мухбирлар келиб, муаммоларимизни акс эттиришга ваъда беришганди. Лекин ҳанузгача бир оғиз сўз ўқиганимиз йўқ.

Ваъдадан киши тўймайди. Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Ўлмас Раҳимбекович Умарбеков билан ҳам суҳбатлашдик. У Ўзбекистон ташқарисидаги ёшларнинг ишларига алоқадор ўкинч ва даъволарни диққат билан эшитибгина қолмай, балки шу заҳотиёқ бу одамларга қандай кўмаклашиш, уларнинг турмушини бироз бўлса-да, яхшироқ ва қизиқарлироқ қилиш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди. Кўрсатмалар берди.

Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасида ҳам бу масалага тушуниб ёндашишди. Оталиқ манзиллари рўйхатига олинди. АЗЛК ва ЗИЛ Тошкент вилоятига бириктириб қўйилди. Қашқадарё комсомолларига Ульяновск автомобиль заводида ишлаётган 55 нафар ўзбек ишчисига ғамхўрлик кўрсатиш топширилди. Бундан ташқари, ўзбекистонлик комсомоллар «Волгоградстрой»да, «Куйбишевградстрой»да, «Томсклеспром» ва «Красноярсклеспром» Сибирь корхоналарида меҳнат қилишмоқда. Ҳаммаси бўлиб, 500 дан зиёд киши. Улар устидан оталиқни Фарғона, Сурхондарё, Наманган ва Бухоро вилоятлари комсомоллари ўз зиммаларига олдилар. Шунингдек, жумҳуриятимиздан ташқарида меҳнат қилаётган юртдошларимиз ишлаётган қарийб барча корхона ва ташкилотлар вилоятларга бўлиб чиқилди. Аммо бу муҳим масалада кампаниячилик бўлмаслиги учун, навбатдаги оталиқ концертидан сўнг ўзбек йигитларини тамомила унутмаслигимиз учун нима қилиш керак? Эҳтимолки, барча муаммоларни яхши йўлга қўйилган оталиқ ёрдамигагина боғлаш ҳам тўғри бўлмас. Лекин бу ерда гап — бизнинг руҳан қашшоқлашиб қолганимизни яна бир карра эсга солиб қўйишдир.

Наҳотки, биз яқинларимизга қандайдир навбатдаги қарорни бажариш учунгина ёрдам қилсак?!

Қизил майдон деворлари олдидаги пурмаъно бир саҳна жуда яхши эсда қолди. Ҳукуматдан ранжиган, бепоён Ватанимизнинг ҳеч бир еридан қўним тополмаган жафокашлар палаткали шаҳарчада йиғилишган. Касалманд, ёш болали бу кишилар ўткинчиларда ўзларига нисбатан ёрдамга ва ҳамдардликка рағбат уйғотмоқчи бўлиб суратлар, қўлбола шиорларни намойиш этишади. Уларнинг аҳволидан кимлардадир ачиниш ҳиссиёти уйғонган бўлса, эҳтимол. Айни вақтда, йиғилганларнинг муносабати бизни лол қолдирди. Кўпчилик худди циркка ажойиб томошага келгандек, қочоқлар ва жамият эътиборидан четда қолган кишиларга юқоридан туриб қарашарди. Истеҳзоли сўзлар-ку дилни ўртайди.

— Буларни қаранг-а, ишёқмаслар, меҳнатга тоблари йўқ, талаб қилганларига ўласизми?

— Бетлари қурсин. Уларни аллақачон қувиб солиш керак эди.

Ўзгалар қайғусига ўз қўнғироқхонамиздан мана шундай қараймиз. Ва қаерда яшашимиздан — Москвадами ёки Тошкентда яшашимиздан қатъи назар озгина одамий бўлишлик талаб қилинаётганини ҳамиша ҳам пайқайвермаймиз. Ҳар қанча аччиқ бўлмасин, ҳақ гап шу.

Александр ПУКЕМОВ,
Абдуносир НИЯЗМАТОВ.
Москва шаҳри.

Қашқадарёдан икки хушхабар

ҚАШҚАДАРЕ вилоятидаги жамоат ташкилотлари делегацияси Қозоғистоннинг Манғишлоқ ярим оролидаги юртдош ҳарбий хизматчилар ҳузурига меҳмонга борди. Делегация таркибида ҳарбий комиссариат ходимлари, маданият арбоблари, меҳнат ветеранлари бор. Қашқадарёликларнинг бошқа бир гуруҳи қўшни Туркманистонга борди. Меҳмонларнинг нияти юртдош аскарлар ҳаёти ва маиший турмуши билан яқинроқ танишиш, қариндош-уруғлар ва ёр-биродарларнинг совғаларини, она тилидаги китобларни топширишдир. Бешкент шаҳри ва Қарши муаллимлар олий билимгоҳининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари махсус концерт программаларини тайёрлашди. Жамоатчилик вакилларининг ўзбекистонлик аскарлар ҳузурига ташриф буюриб туриши яхши анъанага айланди. Шу ўзнинг ўзидаёқ қаршиликларнинг Байкалорти ҳарбий округида хизмат қилаётган чегарачи юртдошлар билан самимий учрашувлари бўлиб ўтди.

«КАШКАДАРЬИНСКАЯ ПРАВДА» вилоят рўзномаси ўзбек тили ўқитувчиси вазифасини ўз зиммасига олди. Муштарийлар мунтазам равишда матбуот нашри саҳифаларидан сўзлашув нутқи кўникмаларини олишмоқда, тўғри ёзиш, гап тузишни ўрганишмоқда. Бу ишга Ҳамид Олимжон номли маҳаллий педагогика илмгоҳининг филолог олимлари К. Сулаймонов ва А. Ҳазратқулов бош қўшишди. Улар жумҳуриятда яқинда Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги «Матбуот» нашриётида чиқарган «Ўзбек тилини ўрганамиз» қўлланмасининг муаллифлари сифатида танилишган. Олимлар рўзнома саҳифалари орқали ҳозирнинг ўзидаёқ 50 та дарс ўтказишди. Дарслар мавзулари тарқоқ эмас, балки тематик бўлиб, шу кун воқеаларини имкони қадар тўла акс эттиради. Рўзнома филолог олимлар ёрдамида яқин истиқболда қадрдон ўлкага бағишланган тарихий очерклар туркумини эълон қилиш ниятида.

(ЎзТАГ).

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз

СУТ БИЛАН КИРГАН...

(хатлар ҳақида ўйлар)

Таҳририятга муштарийлардан келаётган кўплаб мактубларда қишлоқ мактаби, ҳунар-техника билим юртлари, олий мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитишини йўлга қўйиш бобидаги мулоҳазалар баён қилинган. Турли касб эгалари ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг бир йиллиги шарофати билан она тилимиз тақдири, ҳаётимизга кириб келган айрим янги сўзларнинг тушунарли эмаслиги, тилга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш ҳақидаги қимматли фикрларини кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола қилмоқчи бўлишган.

Деновлик шифокор С. Отамуродов жумҳуриятимиз пойтахтидаги кўплаб кинотеатр ва меҳмонхоналарнинг номлари ҳанузгача ўзбекчалаштирилмаётганлиги тўғрисида куюнчаклик билан ёзади:

— «Чайка» кинотеатри. Кушнинг номи инсондан азизми? Шу номни «Нодира» ёки «Увайсий» деб ўзгартиришса бўлмайдимми?.. «Спартак» стадиони. Спартак қайси ҳоламизнинг эри бўлган? Унинг ўзи бир грек кўзғолончиси бўлса, жумҳуриятимизга нима алоқаси бор? Кўзғолончи номи билан ўйингоҳ аталадиган бўлса ўзимизникилар камми?.. Мангуберди, Широқ, Муқанна, Алпомиш, Сиёвуш, Рустами-достон... «Локомотив» меҳмонхонаси. Тавба, дегинг келади. Шу ерга «Дийдор», «Ором» деган номлардан бири берилса, осмон узилиб ерга тушадими? Бу меҳмонхонада ётганларнинг тушига темир изда вишиллаб келаётган қоп-қора локомотив кириб қўрқитмасмикан?.. Пушкин номидаги Ўзбекистон тил ва адабиёти институти. Сира мантиққа тўғри келмайди. Менимча, бу илмгоҳ биринчи туркологимиз Маҳмуд Қошғарий номи билан аталиши керак».

Тошкент шаҳри, Сағбон кўчасида истиқомат қилувчи, Ўзбекистон ССЖ халқ маорифи аълочиси Ҳ. Мавлонов, шу кўчанинг Ҳуррият тор кўчада яшовчи Ф. Нуриддиновлар дилни хушнуд қиладиган янгилик ҳақида ёзганлар:

— Қўшнимизникида икки гўдак дунёга келди. Уларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларга Собир Раҳимов ноҳияси фуқаролик ҳолатини қайд қилиш бўлими томонидан Дилбар Садриддин қизи, Хуршид Омон ўғли деб ёзилди. Буни қай қурилишнинг шарофати деса бўлади.

— Бизнингча, байналмилал илмий-атама сўзлар, географик жой номлари, ҳодисаларга берилган номлар ўзгартирилмай таржимасиз фойдаланилса. Худди аввалги йиллардагидек қавс ичида изоҳи, таржимаси (агар зарурият туғилса) берилса, тилимизга, маданиятимизга путур етмайди, — дейди ўз мактубида Фарғона вилояти, Риштон ноҳиясидаги 32-ўрта мактаб ўқитувчиси К. Тешабоев.

ТошДД толиби М. Ғозиев шундай ёзади:

— Бизнинг Ленин ноҳиясида Карл Маркс, Энгельс, Правда Востока, Победа, Социализм, Коммунизм номли жамоа хўжаликлари мавжуд. Лекин, уларни ўзбекчалаштириш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаётир. Ўзи дўппидек келадиган Асака шаҳри кўчаларини Вокзальная, Парковая, Северная, Строительная, Водопроводная сингари одамнинг гашини келтирадиган ўрисча номлар билан атаган шартмикан?..

Жиззах вилояти, Фориш ноҳиясидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигининг Йўллисой қишлоғида яшовчи Ш. Қўшмуродов, айрим ўсмирлар она тилига ўрисча сўзлар қўшиб гапириш билан ўзларини маданиятли қилиб кўрсатишга уринаётганлигига салбий муносабат билдирган.

Марғилон шаҳридаги 23-ўрта мактабдан Л. Абдурасулова айрим шаҳар ва ноҳия рўзномаларида милиция, роман, фильм, полиция сўзлари нотўғри ёзилаётганлигини кўриб, хуноб бўлганлигини ёзса, Сирдарё вилояти, Гулистон ноҳиясидаги Бобур номли 9-ўрта мактаб ўқувчиси А. Исломов факультет сўзининг ўрнига «куллиёт» сўзи қўлланилаётганлиги унинг нишонга тегмаганлигини баён қилади. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳиясидан хат йўллаган Эркинжон (фамилиясини ёзмаган) «ноҳия» сўзининг ўрнига «беклиги»ни ишлатишни муҳарририятдан «талаб қилади». У шундай таклиф киритади: «Масалан, Шаҳрисабз беклиги, Каттақўрғон беклиги, Хива беклиги ва ҳоказо».

Қарши ноҳияси «Коммунизм алангаси» рўзномаси ходими Г. Кенжаева «талабалик даврида ТошДДнинг рус тили ва адабиёти имтиҳон пайтида қишлоқдан келганларга О. Пидаева имтиҳон ўзларини «ўзбекча гапираверинглар» деб мурожаат қилгани учун ҳам, ўқитувчига нисбатан меҳри товланиб кетганлигини қоғозга туширган.

Йигитлик бурчини ўтаётган ҳамюртимиз Ҳ. Мамарасулов эса, қишлоқ мактабида рус тили ва адбиёти дарсларини ўзбек муаллимлари ўқитса, ўқувчиларга кўпроқ нафи тегишини таъкидлайди. Қашқадарё вилояти, Ульянов ноҳияси Муғлон қишлоғида яшовчи Н. Рўзиева инглиз тилини ўрганишга аҳд қилганлиги, бунга «Ёш ленинчи»нинг 14 сентябрь сонида босилган «Тил ўрганишга ўн кун» сарлавҳали мақола туртки бўлганлигини ўз мактубида ифодалашга ҳаракат қилади. Агар ноҳия ёки вилоят марказида инглиз тили курслари ташкил этилса, таътил даврида бўлса ҳам бориб ўрганишини тушунтирмоқчи бўлади.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ ноҳиясидан хат йўллаган О. Аннақулов шундай ёзади:

— **Турғунлик йилларида маҳаллий раҳбарлар томонидан ўрис тили ва маданиятини маъмурий йўл билан кенг ёйиш оммавий тус олди. Ҳатто, болалар боғчаларидаги кичкинтойлар ўрисча гапиришга мажбур бўлишди. Айрим ўзбек оиласи бекалари ҳам уйда бир-бирлари билан ўрис тилида гапиришни юксак маданият белгиси, деб ҳисобладилар. Ўз даврида Я. А. Коменский шундай деган эди: «Бирор кишига она тилини билишдан олдин чет тилини ўргатаман, дейиш — болани юришга ўргатишдан олдин уни чопишга ўргатаман, дейиш билан баробардир». Демак, ҳаётнинг ўзи она тилини мукаммал билишни талаб қилар экан.**

Муштарийларнинг куюнчаклик билан ёзилган мактублари билан танишар эканман, бундан олти йил олдин бўлиб ўтган қизиқ бир воқеа ёдимга тушди.

Қайси бир байрам арафасида вилоят фирқа қўмитасига янги саркотиб сайланди. «Кел энди, мендан нима кетарди. Қўш хурсандчилик билан самимий табрикласамчи... Яна бир томони, нуқул танқид ёзаман», — деган хом хаёлда саркотибнинг номига табрик хати (борйўғи 6 тийин туради) юбордим.

Орадан уч кун ўтди. Ишхонада шошилинч йиғилиш ўтказиладиган бўлиб қолди. Узун-қисқа бўлиб бошлиқнинг хонасига кирдик. Етакчининг авзойи бузуқ. Ҳамма жам бўлгач, у қўлини бигиз қилиб, менга ўдағайлай бошлади:

— Ҳа, бола, саркотиб билан пачакилашиб бўладими? Ҳазиллашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан-а! Сиз, йўқ, сен журналист этикасига зид бўлган хатти-ҳаракатинг билан бизнинг жамоага битта «минус» олиб берадиган бўлдинг!.. Кеча вилоят фирқа қўмитасидан сим қоқишди. Хуллас, ишни расво қилибсан-да! Яна, бу киши, ўз камчилигини ҳеч тан олмайдилар!..

Бу гапларни эшитиб қотиб қолдим. Кўз олдим қоронғилашди. Дунё кўзимга тор кўриниб кетди.

Кейин суриштириб билсам, воқеа бундай бўлган экан. Саркотиб табрикни ўқиб дарғазаб бўлибди, ёрдамчисини чақириб шундай дебди:

— Оддий қишлоқ мухбири нега энди табрик жўнатади?! Устига-устак, ўзбекча ёзибди.

Ўпкаси йўқ ёрдамчи сим орқали бу гапларни оқизмай-томизмай бизнинг бошлиғимизга етказган экан.

Қизиқ. Вилоят фирқа қўмитаси саркотиби ўзбек тилида ёзилган табрикни ўқиб тепа сочи тикка бўлса... Бунинг сабабини кейинроқ тушундик. Вилоят қишлоқ мактабларида ўрис тилини чуқур ўргатувчи синфларни ташкил этиш, вилоят ҳудудидаги олий билимгоҳ, ноҳия, шаҳар, аҳоли зич яшовчи даҳаларда ўрисча удумлар «уюшқоқлик билан» ўтказилишига эътибор кучайтирилди.

Қолганлар ҳам «катта арава» изидан юришди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди...

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигига ҳам мана бир йил бўлди. Лекин муштарийлардан келаётган кўплаб хатларнинг мазмуни билан танишиб шундай хулоса чиқариш мумкин: ўтган даврда одамларни хушнуд қиладиган, тош босадиган иш ҳали амалга оширилганича йўқ. Бизнингча, вилоят, ноҳия, шаҳар ижроия қўмиталари қошидаги атамашунослик комиссиялари фаолиятини жонлантириш лозим.

Ёш авлодга она тилида тўғри талаффуз қилишни болалар боғчасининг кичик группасидан бошлаш зарур. Ахир, бизларда шундай халқ мақоли бор-ку:

— Сут билан кирган, жон билан чиқади...

Муштарийлар мактубларини Ҳасанбой РУСТАМ шарҳлади.

Гўзалликка ошуфта қалбдан ёвуз кучлар ўч олмоқчи бўлибдилар.

— Кўзларини ўйиб олинг, токи гўзалликдан бебаҳра қолсин, — буюрибди ёвуз кучлар сардори.

Унинг кўзларини ўйиб олибдилар.

Энди у қўшиқ айта бошлабди. Гўзаллик ҳақида.

— Тилини қирқинглар, — буюрибди яна сардор.

Тилини қирқибдилар. Энди у сурат сола бошлабди. Гўзаллик ҳақида.

— Қўлларини қирқиб ташланг, — навбатдаги ҳукм ижро этилибди.

...Саркорнинг қулоқларига таниш куй эшитилгандай бўлибди. Атроф бийдай саҳро. Олдида чалажон инсон. Куй қаердан келмоқда?

У билмас экан — қалбдаги гўзалликни қирқиб, ўйиб олиб бўлмаслигини.

Қаердадир эшитганим бу воқеани Бухорога борганимда эсладим. Тарихий минораларни кўрганимда. Митти бармоқлар усталардан ганчкорлик, наққошлик обидаларга қайта жон бахш этмоқликни ўрганадиган маскан барпо этилган жойга борганимда.

Ўринбосарларни тарбиялаймиз

ТОМИРИНГГА ҚОН БЎЛАЙ, БУХОРО!

Лабиҳовуз бўйлари. Бу ерда ёш-ёш йигитчаларни энди тез-тез учратиш мумкин. Улар бу ерга олдингилардек такрорланмас гўзалликни томоша қилгани эмас, таълим олгани келишади.

Гап шундай. Бухоро тарихий ёдгорликларни асраш жамияти қошида Очил Бобомуродов таъмирчилик мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Мана, мўъжазгина хонада мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Раҳим ака Ҳамроев билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У киши босиқлик билан ҳикоя қилади:

— Таъмирлаш идорасида уста эдик. Мен, уста Очил бобонинг ўғиллари — Ботир, Бахтиёр, устанинг шогирди Иброҳим Аббосов. Бир хил ўтиб турган кунларнинг бирида таъмирлаш мактабининг жамоатчилик асосидаги директори Ражаб Қулиев кутилмаган таклифни айтиб қолди. «Шогирдлар тайёрлаш керак. Бу иш шунчаки бўлмайди. Бир мактаб очиш керак. Таъмирлашни ўргатадиган». Бизлар таъмирлаш идорасига тушган буюртма орқали қадимий уйларда сақланиб қолган санъат намуналарини таъмирлар эдик, шаҳардаги айрим безаш ишлари билан шуғулланардик. Бу ишларнинг ҳаммасига уста Очил бобо Бобомуродов бошчилик қилардилар.

Ҳаммаси ўша кунлари бошланди. Ахир шогирд тайёрламаган уста устами? Очил бобо қариб боряптилар. Таъмирлаш сирларини биладиган усталарни тарбиялаш керак. Токи, асрлардан бери қалбларни ларзага солиб келаётган бу миноралар бундан кейин ҳам асрлар бўйи сақланиб қолсин. Боболаримиз мероси асрлар оша авлодларга етиб борсин.

1989 йилнинг биринчи октябридан таъмирлаш мактаби ўқувчилар қабул қила бошлади. Вилоят радио ва рўзномалари орқали эълон берилди. Қизиқувчилар, бу ишга уқуви борлар кела бошлади. Қизиқувчилар кўп эди. Лекин уларнинг ҳаммасини олиб бўлмайди. Мактаб қошида махсус комиссия тузилди. Комиссия аъзолари боланинг қизиқиши, қўлидан нақш чизиш келадимийўқми, хуллас, қобилиятини синаб кўриш йўли орқали уни мактабга қабул қила бошлашди. Синчков усталарнинг назаридан 12 нафар болагина ўта олди. Болаларнинг кўпчилиги ўнинчи синфни битирганлар эди. Лекин уларнинг энди келишиб қолганда армия сафига кетиб қолишди. Шунда мактаб усталари болаларни энди 8-синф маълумоти билан қабул қилиш кераклиги ҳақида ўйладилар. Чунки бола қанча ёш бўлса, зеҳни шунча тез бўлади. Бунинг устига армияга кетгунга қадар анча нарса ўрганиб олади. Болаларнинг кўпчилиги вилоят ноҳияларидан келган эди. Болаларга жамиятга қарашли ётоқхонадан жой берилди. 70 сўм миқдорида стипендия ҳам белгиланди. Болалар ҳар бир устага 2-3 тадан бириктириб қўйилди. Болалар бевосита таъмирлаш ишларида ҳам қатнашадилар. Олган билимларини амалда синаб кўриш имконияти бор. Мактаб аъзолари ўтган вақт ичида Бухоро ноҳиясидаги Усмон Юсупов жамоа хўжалиги ҳудудидаги Хўжа Работ масжидида таъмирлаш ишларини усталар билан биргаликда тугатдилар. Бу масжидни таъмирлаш ишлари қийинчилик билан кечди. Материалларни топиш қийин бўлди. Чунки нураган жойларига асл ҳолидаги ғиштлардан ишлатиш лозим эди. Шунинг учун эски, фойдаланилмайдиган масжид бузилиб, ғиштлари олинди. Болалар ишлаган ҳақларининг маълум қисмини ўзлари олишади.

Таъмирчилик мактабининг ўзига хос қоидалари бор. Бу ерга қабул қилинганларнинг ҳаммаси ҳам келажакда зўр уста бўла олмаслиги мумкин. Сабаб? Агар бу ердаги қоидаларга риоя қилмаса. Ўтган ўқув йили давомида бир ўқувчидан воз кечишга тўғри келди. Унинг таъмирлаш ишига қизиқиши, қобилияти йўқ эди. Энг асосийси, устанинг қалбига кира олмадингми, демак, сен ҳақиқий шогирд эмассан.

Мен бир нарса ҳақида кўп ўйлар эдим. Нимага усталар шогирд танлашга инжиқ бўлишади, деб. Раҳим ака билан суҳбатлашиб, ана шу саволимга жавоб топгандай бўлдим.

Кишининг ўзи нозик табиатли, ҳиссиётчан, гўзаллик шайдоси бўлсагина — ҳақиқий уста бўлиши мумкин. Уста қўпол, дағал бўлса унинг иши ҳам қўпол, дағал бўлади. Устанинг диди, характери унинг бажарадиган ишларида ўз ифодасини топади. Чизилган шаклларга, таъмирланган нусхаларга қараб устанинг кимлигини бемалол айтиб бера олиш мумкин. Шогирд ҳам устаси характерига мос келадиган бўлиши лозим. Устасини яхши билса, уни кашф эта олса — касбини ўрганиши осон кечади. Дидига ўтиришмаган болага уста касбини меҳр билан ўргата олмайди. Садоқатли шогирд устага ўз фарзандидан аълороқ бўлади.

Бугунги кун болаларига шогирд тушиш қанчалик қийин. Бизда ўн йиллик таълим мажбурий. Шогирдликни ихтиёр этганлар эса ёшликдан уста қошида бўлиши керак. Ҳар бир нарсанинг ёшликдаги таассуротлари унутилмас бўлади. Болага ёшликдан шогирд тушиш — бирор нарсани ўрганишда осонлик билан кечади. Садоқатли шогирдни тарбиялаш эса йилларни қурбон қилишни талаб қилади.

Бухоро ёдгорликлари ичида зеб берилганларини учратиш камроқ. Лекин уста Очил бобо Бобомуродов зеб бериш бўйича ягона усталардан ҳисобланади. Ҳозирда зеб бериш ишлари орқада қолиб кетган. Таъмирловчи усталар зеб бериш ишлари билан эмас, биноларнинг қолган қисмини асраш билангина шуғулланишяпти. Демак, тарихий обидаларни асраш ва таъмирлаш жамиятидагилар аввало, асраш ишлари билан шуғулланишяпти. Таъмирлашга кўп пул ажратиляпти. Лекин зеб беришга эмас. Қўполроқ қилиб айтганда, таъмирловчилар бугунги кунда ямоқчилик билангина шуғулланишяпти, холос. Ахир Очил бобо Бобомуродов сингари зеб берувчи усталарнинг олтин қўлларидан келгуси авлодлар учун фойдаланиш керак. Ўйлаймизки, таъмирлаш мактабидагиларнинг маълум қисми устадан зеб бериш сирларига ҳам ошно бўлиб чиқишади.

Хуллас, Бухорода ташкил этилган бу таъмирлаш мактабидан, унинг ўқувчиларидан умидимиз катта. Бу мактаб битирувчилари бу ерда олган билимларини, таълимларини, санъат сирларини сеҳрли қўллари ила халққа етказишсин. Уларнинг ҳар бири миллий бойлигимиз бўлган обидаларга қараб, уларни ҳар кўрганда:

— Томирингга қон бўлай, Бухоро! — деб айта олишсин.

Зеро, нураган обидаларга қайта чирой бахш этиш, томирларга қон бўлиш демакдир.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хориждан хабарлар

ПОЧТА ХИЗМАТИ КЕНГАЯДИ

БЕРЛИН. Бугундан бошлаб Германияда почта хизматчиларининг ягона немис касаба уюшмаси амал қилмоқда. Душанба куни кечқурун Ғарбий Германия почта ходимлари касаба уюшмасининг Берлинда ўтаётган фавқулодда конгрессида шу ҳақда қарор қабул қилинди. Унинг фаолият соҳаси кенгаяди. Германия Федератив Жумҳуриятининг янги бешта федерал ўлкасига ҳам хизмат кўрсата бошлайди. Шарқий Германиядаги 100 минг нафар почта ходимларини ўз сафларига қўшган касаба уюшмасида ҳозир 575 минг киши бор.

Делегатлар почта хизматчилари немис касаба уюшмаси низомига ўзгартишлар киритдилар. Унда собиқ Германия Демократик Жумҳурияти ҳудудида янги бешта касаба уюшмаси мавзесини тузиш мўлжалланади.

ҚАМОҚХОНАДАН ҚОЧДИЛАР

ГАВАНА, 31 октябрь. (СИТА мухбири Андрей Бородин). Гаити пойтахтидан 70 километр нарида жойлашган «Сан-Маркос» қамоқхонасидан турли муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳбуслар гуруҳи қочиб кетди. Ахборот агентликларининг Порт-О-Пренсадаги «Радио аити-интер» радиостанциясининг хабарларига таяниб маълум қилишларича, 67 нафар маҳбус озодликка чиқиш йўлида қамоқхона деворларидан бирини бузиб ташлаган. Хабарларга қараганда, армия соқчилари ҳозирнинг ўзида учта қочоқни қўлга олганлар.

СИГАРЕТА СОВҒА ҚИЛИНДИ.

МАДРИД. (СИТА мухбири Роберт Серебренников). Испанияда тамаки етиштириш ҳамда уларни сотишда яккаҳокимликка эга бўлган «Табакалера» компанияси ССЖИга совға сифатида 4 миллион дона сигарет юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Фирма вакили Мигель Анхель Мартиннинг СИТА мухбири билан суҳбатда айтишига қараганда, «Табакалера» икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда. ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг яқинда Испанияга расмий ташрифи натижасида бунга янги омил бахш этилган.



Амриқолик олимлар АҚШ киномаҳсулотларининг кўпгина қисмини даҳшатга тўла фильмлар ташкил этиши ҳақида кўп қайғуришмоқда. Уларнинг фикрича, бундай фильмлар инсон ахлоқига, руҳиятига жуда катта зарар етказар, гиёвандлик, ичкиликбозликни келтириб чиқарар экан.

СУРАТДА: бундай лавҳалар ҳатто энг соғлом одамнинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

СИТА суратлавҳаси.

● **ХАРАРЕ. (СИТА мухбири Юрий Пичугин).** Зимбабве полицияси пойтахт дорилфунуни талабаларининг давом этаётган норозиликларига қарши огоҳлантириш тариқасида ўт очди ва кўздан ёш оқизадиган газ ишлатди. Бу дорилфунунда оммавий ғалаёнлар бошланганига беш кун бўлди. Тартибсизликларга қарши курашувчи махсус полиция бўлинмалари дорилфунун олдида маъмурий биноларни қўриқламоқда, йўллардаги ҳаракатни назорат қилмоқда.

Талабалар парламент дорилфунун тўғрисидаги қонунга тузатиш киритганига қарши норозилик билдирмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу тузатиш қатағон ва ғайриқонуний тусдадир. Бугун мамлакатдаги энг катта олий ўқув юрти муаллимларининг уюшмаси ҳам улар билан бирдам эканлигини айтди.

ЧЕТ ЭЛ ЁШЛАРИ ҲАЁТИДАН

Уюшма ўзининг махсус мажлисида сешанба куни парламент олдида мустақил равишда норозилик намойиши ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ полиция билан тўқнашиш эҳтимолидан ҳоли бўлиш учун талабаларга бу ҳаракатда қатнашишдан тийилиб туриш тавсия қилинди.

Полиция маълумотларига кўра, камида беш нафар талаба ҳибсга олинган, улар орасида талабалар кенгашининг раиси Крис Гива бор.

● **ЛОНДОН. (СИТА мухбири Олег Слабинько).** БМТ ғояларини рўёбга чиқариш учун ёрдам беришга интилаётган кўнгилли ёшлар ташкилоти — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кўмаклашувчи уюшма вакиллари Буюк Британия Бош вазири Маргарет Тэтчернинг Даунинг-Стрит 10-уйдаги қароргоҳига беш минг кишининг имзоси қўйилган арзномани топширдилар. Арзномада ҳукуматга мурожаат этилиб, унда ҳавога карбон ва бошқа газлар чиқишини анча камайтириш учун имконияти бўлган барча чора-тадбирларни кўришга чақирилади. Маълумки, бу газлар «дим ҳавони» вужудга келтиради. Бунинг оқибатида сайёрамиздаги иқлим янада исиб кетади.

● **МАНИЛА. (СИТА мухбири Александр Бохонько).** Филиппин мактабларида янги ўқув дарси пайдо бўлди. Маориф вазирлиги билан Филиппин кардиология маркази биргаликда ишлаб чиққан дастурга мувофиқ, ўқувчилар юрак-қон-томир касалликлари пайдо бўлиши сабабларини ҳамда бу дарднинг олдини олишдаги зарур чораларни илк бор ўрганишга киришдилар. Кардиология маркази директори Эсперанс Кабралнинг «Манила кроникл» рўзномасида хабар қилишича, «Филиппин мактабларида орол жумҳурияти аҳолиси ўртасида юрак-қон-томир касалликлари кенг тарқалганлиги сабабли Филиппин мактабларида янги ўқув дарси пайдо бўлди. Болалар мактабда ўқиётган чоғларидаёқ ҳар йили ўн минглаб кишини ҳаётдан маҳрум қилаётган бу касаллик тўғрисида билишлари, қандай қилиб тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, спиртли ичимлик ва тамаки истеъмоли соғлиқ учун қай даражада хатарли эканини тасаввур этишлари зарур, — деб таъкидлади марказ директори.

Ана шу янги дарс бир қанча мактабларда ҳозирча тажриба тариқасида ўтилмоқда. Бу дарсни янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатдаги ҳамма мактабларда жорий этиш режалаштирилмоқда.

● **ДАКАР. (СИТА мухбири Владимир Емельянов).** Сенегаллик мактаб ўқувчиси Сисс Диань учун бугун бахтли кун бўлди. Унга Бамако — Дакар темир йўлида фалокатнинг олдини олгани учун ҳукумат мукофоти топширилди. «Сиз — бутун мамлакатимиз ўсмирларига намуна бўлдингиз, сиз Сенегал халқининг фахрисиз», деди шу муносабат билан ўтказилган маросимда жиҳозлаш, транспорт ва уй-жой вазири Робер Санья.

Воқеа шундай бўлган эди: Тиес шаҳри яқинида, Себикотан—Пут темир йўл участкасида жала ёғиши натижасида бутун бир йўл бузилган эди. Буни темир йўл ёқалаб бораётган 16 ёшли ўсмир кўриб қолди. У рельснинг устига чиқиб олиб қизил майкасини ечди, майкани боши узра ҳилпиллатганича «Бамако—Дакар» тезюрар машинисти эътиборини ўзига тортди. Машинистлар поездни ўз вақтида тўхтатиб қолишга улгуришди.

Вазир Сисс Дианга Сенегал президенти номидан мукофотни топшириб, у пойтахт мактабларининг бирига ўқишга юборилишини ва бутун ўқиш даврида давлат стипендияси ажратилишини маълум қилди.

(СИТА).

МИСР АҲОЛИСИ

ҚОҲИРА. (СИТА мухбири Михаил Крутихин). Миср аҳолиси юксак суръат билан кўпайиб бормоқда. Кўпайиш ҳар йили 2,8 фоизни ташкил этади. Бу эса мамлакат учун жуда катта ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Миср Араб Жумҳурияти президенти Ҳусни Муборакнинг Қоҳирада очилган технология ривожланишига доир миллий конференция қатнашчиларига юборган мактубида шу ҳақда гапирилади.

Мисрликларнинг ҳар йили 1,5 миллион киши кўпайиши, деб таъкидлади президент, алоҳида самарали тадбирлар кўрилишини, шу жумладан, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги мутаносибликни таъминлашни талаб этади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЗАҲАР БИЛАН ҚАРШИ ОЛИШДИ

● ҲАВАСКОР УЧУВЧИ Жоакин Амарейра Бразилиянинг одам қадами етмаган чакалакзорлари устидан 18-20 метр баландликда учиб ўтмоқда эди. Бир пайт тайёра «тўши»га иккита нарса урилгандек бўлди. Лекин Жоакин парво қилмади. Тайёрагоҳга қўнгач, қараса, иккита камон ўйи санчилиб турган экан. Маълум бўлишича, ўй учига кучли заҳар суркалибди.

Бу — ўша жойларда яшовчи ёввойи одамларнинг антиқа «қуш»га билдирган муносабати, дейишмоқда немисларнинг «Абендцайтунг» рўзномаси.

ЎҒРИЛАРНИНГ БУЮМЛАРИ МУЗЕЙИ

● БУ МУЗЕЙ Швейцариянинг Италияга яқин чегарасида жойлашган. У божхона ходимлари томонидан тузилган бўлиб, унда контрабанда билан шуғулланувчи шахслардан тортиб олинган буюмлар сақланади. Масалан, сирли тагликлари бўлган жомадон ва сумкалар, нарса яшириш учун махфий жойлари бўлган пойафзал ва соябонлар, ўйинчоқлар, дори қутилари бор. Айниқса, тўртта ғилдираги ҳам Швейцария соатлари билан зич тўлдирилган автомобиль томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда, деб хабар беради Булғориянинг «Орбита» ҳафталиги.


ЭРКАКЛАР АЁЛЛАРНИ КУТАДИ

● «ЯНА СЕНИ қанча кутиш мумкин?» Ҳозирги давримизда миллион-миллион эркаклар ўз хотинларига ҳар куни шу саволни бериши турган гап.

Олимларнинг тадқиқотларига қараганда, европалик ҳар бир аёл киприкларини бўяшга ва сумкачасини тартибга солишга бир кунда ўртача 1 соату 38 минуту 5 дақиқа сарфларкан.

Агар бир эркак ўртача 76 йил яшаса, шундан роппа-роса 3 йилини хотинини кутиш билан ўтказаркан.

Немис олимлари аёлларнинг ўзига оро бериш учун бажарадиган ҳар бир майда ҳаракатларигача ҳисоблаб чиқишган. Масалан, аёллар сочини лаклаш учун 17 дақиқа, колготкасини кийишга 46, тирноқларини бўяшга 2 минуту 28 дақиқа, 3 минут эса уни қуритишга, кийимларини кийишга 4 минут вақтини сарфлашаркан. Сўнг бир дақиқа давомида «шу кийимни кийсамми-кин ё бошқасини» деб иккиланиб туришади ва қайтадан кийинишга тутинишади. Шундай қилиб, яна 12 минуту 12 дақиқани йўқ қилишади. Ва бу кийимлари ҳам ёқмайди-да, 4 минуту 1 дақиқа сарфлаб, биринчи танлаган кийимини кийишади.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Янгийўл ноҳиясида «Ҳазрати Билол» янги масжиди қурилмоқда. Бу ердаги асосий ишларни андижонлик қурилиш бригадаси бажараяпти. Унга Абдуманноп Мамажонов раҳбарлик қилаяпти. Қурувчилар билан бир қаторда бу ерда кўпгина маҳаллий аҳолини ҳам учратиш мумкин. Улар қурувчиларга қурбилари етган ёрдамни кўрсатиш учун келишади.

Масжид намозхонлардан тўпланган маблағ ҳисобидан барпо этилаяпти. Янгийўл ноҳия ижроия қўмитаси ҳам маълум миқдорда ўз ҳиссасини қўшди, шунингдек, бинокорлик материалларини сотиб олишда кўмаклашмоқда.

Масжид бир гектар ерни эгаллайди. Келгусида бу ерда Қуръонни ўқишни истовчи болалар учун сабоқ синфлари ташкил этилади. Шунингдек, қариялар учун чойхона, нон ёпиш цехи, дўкон ҳам очилади.

СУРАТДА: имом-хатиб Хожи Орифжон Йўлдошев (чапда) қурилишнинг режасини белгилаяпти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ТЎҚНАШУВ

Спортчи бўлиш осонмас. Лекин ҳамма ҳам бу соҳанинг этагини тутиб кетавермайди. Бу оламнинг ҳам ўзига хос фидойилари, жонкуярлари бўлади. Қийин соҳа. Бутун жонужаҳонингни бағишлаб, ҳаётингнинг энг ширин лаҳзаларини унга фидо қилмасанг, кўп неъматлардан бебаҳра қоласан. Спортда ҳам «келиб-кетувчи»лар кўп. Бирови обрў учун, яна бирови мансаб, бойлик учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Аммо барибир бундайлар узоққа бормайди. Бутун умрини спортга бағишлаган фидойи инсонларгина қоладилар. Биз ҳикоя қилаётган Ашурали ака Нормуродов ҳам спортнинг енгил атлетика турини ривожлантирувчи. Ўзбекистонда миллий кадрлардан спортчилар етиштириб чиқариш учун жонкуярлик қилганларнинг бири. Эҳ-е, у кишининг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Муваффақиятлар осонликча, ўзи-ўзидан келмаган. Қанчалаб кўнгилхираликлар, ташвишли ва қувончли кунлар бошдан кечди. Кучли ироданинг ўзи ҳам кифоя қилмади, турли хил тўқнашувларга дуч келди.

Унинг шогирдлари ҳам беҳисоб. Ашурали ака улар билан фахрланади. Лекин...

Ашурали аканинг ўзи яқин ўтмишда яхши спортчи эди. У ССЖИ биринчилиги мусобақаларида қатнашиб, узоқ масофаларга югуришда тўрт марта иттифоқ чемпиони бўлган. ССЖИ Кубогини қўлга киритган. 1967-75 йиллар давомида ССЖИ терма командаси сафида қатнашган. Жумҳурият миқёсида ўрнатган (5 минг метрга 13 минут 40 секунд, 10 минг метрга 28,46) шахсий рекордларини ҳеч ким ҳали ўтиб кетолмаган, бугун унинг шогирдлари янгилаяпти.

У 1976 йилдан бошлаб шаҳримиздаги «Спартак» стадионидаги спорт мактабига тренер бўлиб ўтди ва у ерда тўққиз йил ишлади. Ундаги тренерликка бўлган қизиқишни сезган раҳбарлар 1980 йили Москвадаги икки йиллик тренерлар тайёрлаш олий мактабига ўқишга юбордилар. Ашурали ака олий даргоҳни муваффақиятли тугатиб, Тошкентга қайтиб келгач, чиниқмасида ишлади. Келганида кучлилик ва чаққонлик бўлими спортчилари VII спартакиадада қатнашиб бор-йўғи беш очкони қўлга киритган эдилар. Спортчиларни йиғиб биринчи навбатда командада тартиб-интизом ўрнатди. Ҳар бир спортчининг олдига қатъий ва ўринли нормативлар қўйди, уларнинг барчаси билан эринмай мустақил иш олиб борди. Кўп ўтмай олий мактабда олган билими ва спортчилар билан бажарган узлуксиз меҳнати ўз самарасини кўрсата бошлади. 1982 йил III ёшлар ўйинида жумҳуриятимиз вакиллари анча муваффақиятли қатнашдилар. Светлана Ўлмасова ССЖИ мусобақасида биринчи ўринни қўлга киритди ва 3 минг метрга югуриб, 8, 27, 68 кўрсаткич билан жаҳон рекордини ўрнатди. Шунингдек, Ашурали ака бошчилик қилган бўлимнинг спортчиси Замира Зайцева ҳам 1983 йил Хельсинкида ўтказилган Жаҳон биринчилигида кумуш медаль совриндори бўлди.

Жумҳуриятимизда енгил атлетикани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун унга ўтган йили «Хизмат кўрсатган тренер» унвони берилди. Ҳозир у Ўзбекистон бўйича ССЖИнинг енгил атлетикадан катта тренери. Жуда кўп ҳамкасблари ҳурмат қилади, фахрланади. Лекин...

Енгил атлетика бўйича жумҳуриятимиз олий мактаби директори А. Гуляев илгариям Ашурали акага ҳасадгўйлик билан қарар эди. Айниқса, унга «Хизмат кўрсатган тренер» унвонини бермоқчи бўлганлари Гуляевга ёқмади. У ўз ғаразгўй мақсадини амалга ошириш учун Олех Ионат исмли спортчидан фойдаланишга қарор қилди. О. Ионат деганлари ким дейсизми? У ҳозир ўттиз минг метрга энг катта кўрсаткичли — ССЖИ кубоги учун беллашувда III ўрин. Аммо, унинг кўрсаткичлари бугунга келиб пасайиб кетган. 1986 йилда 50 минг метр масофага тез юришда 3 соату 56 минутлик натижага эришган бўлса, 1987 йил — 3,57, 1988 йилда 3,59, 1989 йилда — 4,03. Бу йил шу масофага Москвада бўлган беллашувда қатнашиб, финишгача етолмай, мусобақадан чиқиб кетди. Шунинг учун Ашурали ака Ионатни Чўпон Отада бўлган йиғиндан четлатган эди. Ионат бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига Гуляевнинг кўрсатмалари бўйича ҳеч ким уни таклиф қилмаса ҳам Чўпон Отага борди. Мақсади йиғинда маҳоратли тренердан сабоқ олиш бўлмади. У машғулот пайтида пайт пойлаб Ашурали ака билан жанжаллашди ва ҳатто унга қўл кўтаришгача бориб етди. Қайтиб келганидан сўнг «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар» қабилида иш юритиб Ашурали Нормуродов устидан жумҳурият Физкультура ва спорт давлат қўмитасига шикоят ёзди. Қизиғи шундаки, ариза Ашурали акага айни «хизмат кўрсатган тренер» унвонини бермоқчи бўлган кезларида ёзилди ва унга Чўпон Отадаги воқеанинг гувоҳи бўлмаганлар имзо чекди. Қўмитадаги ўртоқларнинг кўзи кўр ва қулоғи кар эмас экан. Фитначиларнинг найранги ўтмади. Ашурали акага унвон берилди.

Ҳеч нарсага эриша олмаган Гуляев барибир тинчимади. Сирасини айтганда, у Ашурали акадан қўрқарди. Чунки, енгил атлетика бўйича олий спорт мактабига Гуляев директор бўлганидан сўнг охирги икки йил ичида олий спорт мактабининг молиявий-хўжалик ишлари бутунлай издан чиққан, жуда кўп чиқим ордерларининг на номери, на куни қайд қилинган эди. Кирим-чиқим ордерига ва давлат банкидан ишлатиш учун олинган нақд суммалар учун ҳисоб-китоб дафтари юритилмаган, касса ордерлари бўйича 180—номерли «иш ҳақи» ҳисобига кўрсатилмасдан ,меҳнат шартномаларисиз, шартномалар бўйича камроқ, жумҳурият олий спорт мактаби директори тасдиғисиз. бухгалтерия ҳисобларида фойда солиғини ушлаб қолишни кўрсатмасдан ва молия бўлимига пул ўтказмасдан 17 кишига пул берилган ва оқибатда 1988 йилда 200—номерли «Бюджет чиқими» ҳисобидан 1541 сўм 80 тийин ишлатилган эди. Жумҳурият Физкультура ва спорт давлат қўмитаси тасдиқлаган фонд 1000 сўмни ташкил қилади. Хўжалик чиқимига ажратилган суммалар ҳам кассадан ҳеч қандай асоссиз, яъни чексиз ёки нималарга ишлатилгани ҳақидаги актларсиз ўтказилган.

Директор хоҳлаган вақтда давлат пулини ҳаракатга ўтказган, лекин бу пуллар нималарга сарфлангани қайд этилмаган. Сотиб олинган нарсалар омбор ҳисобига ўтказилмаган. Бир сўз билан айтганда, бу пуллар «ҳавога совурилган» (ўзлаштирилган).

Умуман, 1988-89 йилларда мактабнинг молиявий ишларида жуда қўпол хато ва кўзбўямачиликларга йўл қўйилган. Шу икки йил ичида кимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш институтидан уч марта, ҳаммаси бўлиб 5400 сўмга 18000 дона экдистен таблеткаси олинган. Лекин директор Гуляев бу таблеткаларни врач назоратисиз кўнгли тусаган одамга хоҳлаган миқдорда тарқатган. Масалан, биринчи марта 1988 йил март ойида 5 минг дона олинганидан рўйхат бўйича бор-йўғи 17 спортчига берган, аммо негадир 300 тасини тренерларга тарқатган, врач назорати умуман бўлмаган. Июнь ойида олинган 7 минг дона таблетка учун ишонч қоғози қайд этилмаган, тарқатилганлиги ҳақида рўйхат ҳам йўқ. Шундай қилиб, 18 минг дона экдистен таблеткаси қандай тарқатилган, тарқатилганда қўл қўйдирилганми, кимга қанча берилган — бу номаълум.

Ашурали ака Гуляевнинг найрангларига бефарқ қаролмади. Ундан доим тўғри ва софдил бўлишни талаб қилди. Бундай муносабат унга ёқмади. Шу пайтгача шахсан устозлик қилиб бирорта спортчи тарбияламаган Гуляев охирги пайтларда қандай йўл билан бўлса ҳам Ашурали акадан қутилиш чораларини излай бошлади. Уни олий мактабдан кетказиш пайига тушди. Атрофига ўзига ўхшаган фисқу фасодчиларни йиғиб олди. Улар ҳам ўзи каби шу пайтгача, бирор ишни қойиллатмай «Ўроғда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозирлар», — В. Подмарёв, кўпкурашдан тренер, нима иш қилгани номаълуму, 150 соатлик тренерлик ишига маош олган. А. Шербина — (физкультура ва спорт қўмитасининг Абдураззоқов, Муҳамедшина, Кузмина каби ходимлари томонидан мактаб ишлари тафтиш қилинганида унинг бекор юриб пул олгани маълум бўлди), В. Меркин — нени дўндиргани фақат ўзига маълум бўлса керак, лекин ҳомийси Гуляев туфайли 1 категорияли тренер бўлиб ишлайди, Ю. Черниховский — у ҳам 1 категорияли тренер бўлса-да, шу пайтгача ақалли битта тузукроқ спортчи тарбияламаган.

Сувни лойқалаётганларнинг етакчиси билан яқиндан танишсангиз, унинг жумҳуриятимиз олий спорт мактаби учун бутунлай бегона ва тасодифий одам эканлигини билиб оласиз. Ҳеч қандай лаёқати йўқ ўша Гуляев таниш-билиш қилиб, олдин Тошкент тиббиёт олий билимгоҳига кирди. Шифокор бўлиш учун кўп тер тўкиш кераклигини бир йилдан сўнг билди. Кейин бирдан муҳандис бўлишга қарор қилиб қолди. Ҳомийлари уни энди Тошкент политехника олий билимгоҳига киритиб қўйдилар. Бу ерда ҳам лаёқатсизлиги панд берди. У ўйлаб кўриб каллани ишлатмаса ҳам бўладиган жой деб жисмоний тарбия олий билимгоҳини танлади. Бу масканни бир амаллаб битириб олди-да, ҳеч қандай хизмат кўрсатмай енгил атлетика бўйича олий спорт мактаби директорлигига тайинланди.

Қайта қуриш шарофати билан жумҳурият Физкультура ва спорт давлат қўмитаси раҳбарлари ўзгаргач, Гуляевнинг фаолиятига чек қўйилди. Қўмита ходимлари унинг ишини кўриб чиқиб, молиявий ишларидаги фириблари, спортчилар билан методик ва педагогик иш юритишдаги қўпол камчиликлари, ишдаги тарафкашлик ва гуруҳбозлигини очиб ташладилар ва ниҳоят, у ишдан четлатилди. Лекин Гуляев шу вақт ичида мактаб ишини бутунлай издан чиқарди, спортчиларимиз команда ҳисобидан Иттифоқда ўнинчи ўриндан нарига жилмадилар, қанчадан-қанча спортчи ва тренерлар ишига тўғаноқлик қилинди.

Умуман, сал ташаббус кўрсатилса, бизнинг жумҳуриятимиздан ҳам жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнаша оладиган спортчилар бор. Қуйидагиларга эътибор беринг: Канадада 1988 йили 31 июлдан 2 августгача 1 Жаҳон ўсмирлар чемпионати ўтказилди. Айни шу кунларда Киевда ССЖИ чемпионати бўлиб ўтди. Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган украиналик спортчилар 4-5 ўринни эгаллашди. Англиялик спортчи 5 минг метр масофани 13,52 дақиқада босиб ўтиб биринчи ўринни эгаллаган бўлса, эфиопиялик спортчи 14,10 дақиқа натижага эришиб шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Худди шу кунларда Киевда Маҳмуд Сайфуллаев 14,05 натижа билан 5 минг метр масофани чопиб ўтиб, биринчиликни қўлга киритди. Агар у Жаҳон ўсмирлар чемпионатида қатнашганида, бу кўрсаткич билан иккинчи, эҳтимол биринчи натижани ҳам кўрсатган бўлармиди?..

Баъзан нега грузин ва Болтиқбўйи футболчилари мамлакат биринчилигидан юз ўгирдилар, нега украиналик футболчилар келаси йилдан ўз биринчиликларини ўтказмоқчи бўлаётганлиги ҳақида хабарларни эшитиб, ўйга толаман... Наҳотки, совет спортида ҳалиям бюрократларча буйруқбозлик услуби, таниш-билишчилик, ошна-оғайничилик... давом этяпти? Қачон жумҳуриятимиз спортида туб бурилиш бўлади? Қачон ўз миллий спортимиз билан фахрланамиз?

Суннат АЗЛАРОВ.

БАЛЛИ, «МАТОНАТ»!

Бу команда ҳақида батафсил маълумот бериш шартмас. Шундоқ ҳам дунёга машҳур. «Тошкентда ногиронлар футбол командаси тузилибди» дейишганида бу аввалига кўпчиликка эриш туюлганди ҳам. Йўқ, кўп ўтмай мамлакатнинг бир неча шаҳарларида шундай командалар тузила бошлади...

«Матонат»га қайтамиз. Тўғриси, унинг эришган ютуқларини санаб улгуролмайсиз. Мана яна Амриқонинг Сиэтл шаҳридан қувончли хабар келди. Футбол бўйича ногиронлар командалари ўртасида ўтказилган V Жаҳон кубоги беллашувларида совет терма командаси фахрли ўринни эгаллади. Бу турнирда Англия, Бразилия, Сальвадор, Гвателмала, Ванкувер (Канада) ва АҚШ терма командалари қатнашдилар.

ССЖИ шарафини маълумки, икки йилдан бери тошкентликлар ҳимоя қилишяпти. Ҳал қилувчи ўйинда улар Англия ва Сальвадор командаларидан ўтган йилги мағлубият аламини олдилар...

«Матонат» командаси аъзолари қуйидаги таркибда майдонга тушдилар: И. Карлов, Д. Галилов — дарвозабонлар, Б. Ражабов, О. Пушкарёв, И. Коган, У. Валихўжаев, А. Мунавваров, У. Рустамов, Б. Ўлмасов, А. Шукуров, П. Сулаймонов, А. Исматов, И. Критский, И. Лукашов, К. Отаев — ўйинчилар.

Барибир, ҳар не бўлганда ҳам бундай сабр-бардошли, фидойи йигитлар иродаси, матонатига тан бериш керак.

УЮШМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фарғона вилоят марказида «Фарғона маданиятини тиклаш» уюшмаси ташкил этилди. «Билим» жамиятининг вилоят ташкилоти билан ўлкашунослар вилоят жамияти унинг таъсис этувчилари бўлишди. Уюшманинг вазифалари ўлка тарихий-маданий меросини ўрганишга, вилоят ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг она тилини, маданияти ва анъаналарини тиклашга ёрдам беришдан, улар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Янги ташкилотнинг истиқбол учун мўлжалланган режаларида юридик маслаҳатлар таъсис этиш, таниқли кишилар билан учрашувлар ўтказиш, ўз матбуот нашрини чиқариш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

Аҳлоқ мавзуида

БАХТСИЗ АЁЛ, ЕТИМ БОЛАЛАР

ОНА НЕГА ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИДАН ВОЗ КЕЧДИ?

Мен ундан фарзандлари ҳақида сўраганимда бошини эгиб, кўзларини яширди. Бошини хиёл кўтарганида эса кўзларида милт-милт ёш кўринди...

Қандай қилиб, нима учун? 9 ой ўз жисмида авайлаб асраган фарзандларини ташлаб кетишга қандай кўнгли бўлдийкин?.. Бир эмас, уч болани-я. Тўнғичи эс-ҳушини анча таниган, бўлаётган ҳамма воқеаларни идрок эта олади. Онаси укалари билан уни болалар уйига топшириб кетган куни нималарни ўйлайдийкин? Онаизори улардан юз ўгириб кетаётганлигини англаганмикин?.. У ўзи тенги бегона болалар орасига тушиб қолгани, онаси ўрнига аллақандай бегоналар кийинтириб, овқатлантираётганига ажабланаётганмикин? Эҳтимол, кечалари онажони тушларига кириб, балки тўйиб улгурмагани она меҳрини қўмсар.

Гўзал билан қарама-қарши ўтириб, унинг фарзандларидан бутунлай маҳрум бўлиб қолганлигини ҳали ҳам тушуниб етмаганлигини, ҳис қиламан. Назаримда, фарзандлари бир кунмас, бир кун бағрига қайтиб келадигандек. Қонун эса уни оналик ҳуқуқидан маҳрум этган. Она учун дунёда бундан оғир йўқотиш, бундан оғир жазо бўлмаса керак.

Ишонгим келмайди, тушунолмайман. Ахир она учун дунёда ўз фарзандидан ҳам, азиз, муқаддас зот борми?

Дастлаб Гўзални излаб уйига бориб, уни учрата олмадим. Менга пешвоз чиққан онаси йиғлаб юборди:

— Мана уч кун бўлди, чиқиб кетганига, — деди у юраги ҳапқириб. — Қаердалигини билмайман. Шундай бўлишига асли ўзим сабабчиман. «Балки эри кўчада қолганини эшитса, раҳми келиб олиб кетар» деган хаёлга боргандим.

Мени Гўзал яшаган хонага бошлаб киришди. Тўғриси, бу ерда яшаш мумкин эканлигини тасаввур эта олмадим. Сўнгра ҳали ранда урилмаган тахталар тахламининг бир бурчагида кичкинагина эски жавонча ва унинг устида синиқ ойна, тароқ ва халтачага солинган болалар кийим-кечагини кўриб, ҳақиқатан бу ерда ёш болали жувон яшаганига ишондим. Иккита йўл-йўл сатин кўрпача эса бир чеккага йиғиб қўйилган. Деворлар эндигина лой сувоқдан чиққан. Она тахталар уюмининг бир четига тахланган қизининг оҳори тўкилган хонатлас кўйлагини қўлига олиб йиғлаб юборди.

— Бечора, — дейди-ю, ўзини босолмай яна йиғлайди. — Қаерларда юрган экан-а? Бозордан бировнинг эскисини арзимаган пулга сотиб олиб келиб, «ярашдими, она, ярашдими?» деб ўзини ойнага солганини эсласам, хўрлигим келади.

Ўйга толаман. Бундай қисматларга онгсизлигимиз, муҳитимиз, жоҳиллигимиз сабабчи эмасми?

...Улар турмуш қурганларида Гўзал эндигина ўн олти ёшга тўлганди. Ўшанда куёв Баҳодир Алиназаров «Тез ёрдам»да ҳайдовчи бўлиб ишларди. У ҳар куни ана шу тиббий хизмат кўрсатиш давлат машинасида Гўзалларнинг эшиги ёнидан ўтарди. Ҳар ўтганда кўз-кўзга тушиб, қалблар пинҳона туташиб бораверди. Ниҳоят, Гўзал Алиназаровлар хонадонига келин бўлиб тушди. Паспорт олишга ёши етмаганлиги учун ЗАГСдан ўтишга рухсат берилмади. Никоҳларини тўйдан кейин расмийлаштириб олдилар. Турмушларининг дастлабки кунлари тинч ва осойишта ўтди. Охирги икки йил ичида ораларига совуқчилик туша бошлади. Келишмовчиликларнинг сабаби арзимаган «майда-чуйда»лар эди. Кун ўтган сайин улар бегоналашиб боришарди...

— Мен уйланганимда, — дейди Баҳодир Алиназаров — «ёш дарахтни қаёққа эгсанг, ўша ёққа эгилади», ўзимнинг йўлимга солиб оламан, деб ўйлагандим. Лекин аксинча бўлди. Ҳар хил ғиди-бидилар бўғзимга келди.

Гўзал бу хонадондан нима учун бош олиб чиқиб кетди?

— Онам доим топган пулимни тийин-тийинигача санаб беришимни талаб қилар эдилар — дейди Гўзал. — Жуда қийналиб кетдим. Қўшниларимизнинг ҳам менга раҳми келарди. «Сен бу ерда туриб, барибир яхши кун кўрмайсан, ундан кўра ижарада яшасанг, яхшироқ кун кўрардинг» деб маслаҳат беришди. Ўша куни атайин жанжал чиқардим-да, кетиб қолдим. Ҳозир ижарада турибман.

— Ҳаммасига мени айбдор қилишади, — дейди она куюниб, — наҳотки, мен ўз фарзандимнинг оиласини бузишни хоҳласам. Ўша ерда тиниб-тинчиб кетишини ўйлайман-ку?!

Жанжаллардан бири суд ажримидан бир ярим йил олдин содир бўлди. Баҳодирнинг онаси ва опалари меҳмон бўлиб келишди. Уларни кузатганларидан кейин эр-хотин уришиб қолишди. Эрининг назарида Гўзал меҳмонларни яхши кутиб олмаган эди.

...Ўша куни Гўзал фарзандларини ташлаб, онасининг уйига кетиб қолди. Беш ой аразлаб юрди. Унинг учун бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, одамлар ғурбат ва қийноқлар учун дунёга келадигандек туюлди. Шу вақт мобайнида фарзандларини бирон марта ҳам кўрмади. Ишга кирди. Тасодиф билан яна ярашиб ҳам кетдилар. Аммо орадан озгина ўтмай, яна совуқчилик тушди. Дарз кетган кўнгил чинниси тикланмади. Гўзал фарзандларини олиб яна уйига келди. Суд орқали ажралганларидан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас, кўзини чирт юмиб учта фарзандини болалар уйига ўз қўли билан топширди. Орадан беш ой вақт ўтгач, Баҳодир болаларини Тошкент шаҳар халқ маорифига қарашли 24-болалар уйидан топди. Шу йилнинг 25 апрелида болалар суд қарорига кўра, отасининг қарамоғига ўтказилди.

...У ҳамма ташвишлардан бирданига қутилди. Энди унинг тинчини бузадиган ҳеч ким йўқ.

Кўз ўнгимда ҳали ҳеч нарсани англашга улгурмаган 16 ёшли келинчак қиёфаси, икки хонадон кўриниши. Икки хил уй, икки хил тақдир. Бахтсиз аёл, етим болалар...

Комила СУЛТОНОВА.

ТВ

2 НОЯБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Физика. Қаттиқ жисм ва суюқ кристалларнинг физик хоссалари. 12.00 «Рақс сеҳри». Фильм-концерт. 12.30 Жуғрофия. ССЖИнинг атрофидаги денгизлар. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Келди-ю, кетди» Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Муми-Долга куз келди». Мультфильм. 18.30 Бухорода ўтказилган Шарқ қўшиқлари фестивали. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Қадрият». Собир ота яратган боғ. 20.20 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... 20.30 «Ахборот». 20.50 Дутор ва танбур тароналари. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида. 23.00 «Бўстон». Тележурнал. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

17.10 Тарих. Қонунийлик ва парадокслар. «В. О. Ключевский — тарихчи, публицист, фуқаро». 17.55 «Томошабинлар меҳри совриниs» кинофестивали. 18.25 «Куз. Таруса Цветаева...» Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 18.50 Сиёсий мулоқотлар. «Галерея». 19.50 «Контакт-форум». 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «В ва Д» таништиради: «500» программаси. «Мўъжизалар даласи» капитал-шоуси. 21.30 «Вақт». 22.00 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 22.15 Матвей Блантер қўшиқлари. 22.40 «В ва Д» таништиради: «Взгляд». «Бошлаб бор». «Эльдорадо». «ПТВ». 01.40 «ТСН».

● МТ II

13.05 «Сентябрдаги отпуска». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.15 «Севимли аёл портрети». Телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск). 14.55 «Остап Стахивнинг куйловчи бандураси». 17.30 «КОАПП». Мультфильм. 10-серия — «Ҳамма ерда ҳаёт», 11-серия — «Югуриш», 12-серия — «Бўрсуқ учун уй». 18.05 «Виолончелист ҳаётидан». Р. Армонас чалади. Минскдан кўрсатилади. 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 «ТВ ва TV». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ғаройиб олма». Мультфильм. 20.45 Коллаж. 20.50 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 21.35 Спорт ҳамма учун. 21.50 Халқаро конкурслар лауреати В. Добролюбова куйлайди. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

* * *

23.40 «Таня». Телевизион бадиий фильм («Экран»).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28606.